БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 йил чиқиши

№ 100 (3838).

24 МАЙ ЖУМА 1968 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

Республикамизда Тожикистон санъат аҳлларининг декадаси муваффақиятли давом этяпти. Суратда: Ленин орденли С. Айний номли театрнинг бир группа артистлари ва Қизил Байроқ орденли Рудакий номидаги филармония солистларининг хори қўшиқ ижро этмоқдалар.

БЎКАЛИКЛАР ТАБИИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГАДИЛАР

Бўка район пахтакорлари бу йил 77 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун бел боғлаганлар.

Шу ниятда чигит экишни қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказдик. Бироқ, сира кутилмаган, одатдан ташқари мураккаб табиий қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Бу йил чигит экилгандан кейин ҳа деганда кун исиб кетмади. Кетма-кет ёғингарчилик бўлиб, ер зичлашиб кетди.

Энди униб чиқаётган ёш ниҳоллар илдизига ҳаво кирмаганидан илдиз чириш касали пайдо бўлди. Кўчат жой-жойида йўқола бошлади. Қатқалоқ одатдан ташқари кўп бўлди. Бу ҳол одамларни бирмунча шошириб қўйди.

Ана шундай қийинчиликлар билан кураш олиб борилаётган пайтда сел бўлди, дўл ёғди. Натижада Тельман номли, «Ленинизм», «Партия XIX съезди» «Партия XX съезди» колхозлари, «Бўка» совхози, айниқса дўлдан каттагина зарар кўрдилар. Кўпгина карталардаги ғўзалар сийраклашиб қолди. Сел ер ширасини ювиб кетди. Район хўжаликларида 5400 гектар ердаги ғўза бузилиб, қайта чигит экилди.

Бу ҳам етмаганидек, ёппасига шира ёғилди. Шира ғўзанинг ўсиш нуқтасини нобуд қила бошлади.

Пахтакорларимиз бир неча хил офатга қарши оёққа турибдилар. Бу қийинчиликлар олдида ўзларини йўқотиб қўймадилар.

Шу кунларда пахтазорларда 15 минг киши табиий офатга қарши бел боғлаб мардларча курашмоқда. Ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун ер шароитига, даладаги аҳволга қараб, хилма-хил тадбирларни амалга оширмоқда. 800 та чопиқ трактори ишлаб турибди. Булардан 600 таси ғўзани парвариш қилиш билан бир вақтда, уни ўгитлаб ҳам кетмоқда. Нимжон бўлиб қолган ғўзани ўгит бериш, қўшимча парвариш қилиш йўли билан жонлантириб оламиз. Область ташкилотлари районимизда юз берган аҳволни ҳисобга олиб, бизга қўшимча 1000 тонна минерал ўгит юбордилар.

Ширага қарши кураш ҳам кучайтириб юборилди. Колхоз, совхозларда 9 та самолёт дори сепяпти. Хўжаликларда 35 «ОДН» тўхтовсиз ишлаб турибди.

Юз берган аҳволни тезроқ бартараф этиш, ҳар гектар ерда белгиланган миқдордаги кўчатни сақлаб қолиш, ғўза ривожини тезлаштириш учун район бўйича агротехника кенгаши чақирилди. Агротехника аъзолари далага чиқиб, конкрет шароитни ҳисобга олиб, қандай тадбир ўтказиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат беришди.

Колхоз, совхозларнинг ўзида ҳам тажрибали деҳқонлар, агротехника совети аъзолари дала ишларини ташкил этишда ёрдамлашмоқдалар. Айни кунларда мусобақадош колхозларнинг ўзаро текшириш ўтказишлари жуда зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозир колхоз, совхозларда ўзаро текшириш ўтказилмоқда. Бу эса бир хўжаликда қилинаётган яхши ишни иккинчи хўжаликда тезроқ амалга оширишда катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги пайтда энг муҳим ва ҳал қилувчи масала — кўчатни тўла сақлаб қолиш учун курашдан иборатдир. Даладаги аҳвол шуни тақозо қилмоқда.

Ғўза икки томонлама ишланмаса, шубҳасиз, қўл меҳнати кўпаяди. Қўл меҳнатига нарядсиз ҳақ тўлаш усулида ишлаётган колхозчиларнинг меҳнати кўпаяди. Биз буни ҳисобга олдик. Трактор билан икки томонлама ишланадиган ернинг бир гектарида ишлагани учун колхозчиларга ўрта ҳисобда 16—17 сўм ҳақ тўланарди. Ғўза бир томонлама ишланадиган карталарда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигига зарар етмаслиги учун яна 7 сўмдан қўшиб ҳақ тўлаш тавсия этилди.

Шу кунларда кўчатни тўла сақлаб қолишнинг яна бир усули — тезроқ сув қўйишдан иборат. Гарчанд колхоз ва совхозларда 28 минг гектар ердаги қатқалоқ йўқотилган, шундан 15 минг гектари қўл кучи билан бажарилган бўлса ҳам, ернинг чигит экилган қисмидаги қатқалоқ тўла йўқотилмаган. Айрим жойларда худди кўчат униб чиқадиган ерлар қолиб, қатқалоқ бўлган ерга кетмон урилса, униб чиқиши мумкин бўлган кўчат ҳам нобуд бўлади.

Район, колхоз ва совхоз агротехника совети аъзолари бундай ерларга тезроқ сув таришни тавсия этдилар. Шунинг учун ҳозир далаларда ғўзага сув қўйиш қўчайтириб юборилди. Айниқса, қир ерлардаги ғўзага биринчи навбатда сув таралмоқда. 1000 киши бир кунда 700 гектаргача етказиб, сув қўймоқда. Бу албатта кам. Энди бир кунлик сув қўйишни 1800 гектарга етказиш чораларини кўриляпти. Бунинг учун сувчилар сони 2500 кишига етказилади. Уларнинг кеча-кундуз ишлашлари учун қулай манший шароит яратиш чоралари кўриляпти.

Дастлабки ғўза яганасини кучайтириш чоралари кўрилган, 7000 гектардан кўпроқ ер ягана қилинган эди. Лекин, илдиз чириб ғўза нобуд бўла бошлагандан кейин бу соҳада шароитга қараб бошқача йўл тутяпмиз.

Районимиз меҳнаткашлари юз берган вазиятнинг қанчалик мураккаб ва жиддий эканини тушунадилар. Ҳозир вақтдан сал бўлса ҳам ютқазиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, шароитни тўғри ҳисобга олмай пала-партиш ишлаш талай меҳнатни беҳуда кетишига сабаб бўлиши турган гап. Бу йил айниқса ҳушёр бўлиб, ақл, идроқ билан тўғри чамалаб тадбир кўришимиз зарур.

Биз аминмизки, партия, давлат, халқ ишига содиқ фидокор колхозчилар, совхоз ишчилари бундай қийинчиликлар олдида ўзларини йўқотмайдилар. Районимизда 77 минг тонналик улкан хирмон кўтариш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қиладилар.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш, ҳар бир картада тўла кўчатга эга бўлиш, энг муҳими — ҳар соатдан унумли фойдаланиш учун социалистик мусобақани кучайтириб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада Тельман номли, «Ленинизм», колхозлари аъзолари намуна бўлаётирлар.

Район партия комитети, район ижроия комитети ва ишлаб чиқариш бошқармаси бу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар. Биз тўла ишонч билан айта оламизки, районимиз пахтакорлари кузда ерга қараб қолмайдилар. Юз берган табиий қийинчиликларни енгиб, 1968 йилни ғалаба билан якунлайдилар.

Т. РАЖАБОВ,
Бўка район партия комитетининг биринчи секретари.

Р. ҚОДИРОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

Қ. СОДИҚОВ,
район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

ХИРМОНИМИЗ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

Совхозимиздаги Сойлик, Шўрчи, Ғаллақудуқ массивларининг кенг адрлари — ғаллазор. 1425 гектар ерда дон етиштириляпти.

Ишчиларимиз кузда ва баҳорда энг яхши ишланган майдонларга барака уруғи ташлаган эдилар, бехато униб чиқди. Барча ғаллазорларимизни баҳорда борона қилдик. Самолётлар ёрдами билан ўғитлаб, тупроқ унумдорлигини оширдик.

Тез-тез ёмғир ёғиб турганлиги сабабли, кузги ва баҳорги ғаллаларимиз яхши ўсди. Эндиликда ҳамма майдонларда мўл ҳосил етилмоқда. Ишчиларимиз ҳар гектар ердан кўпроқ дон олишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Қисқа вақт ичида бегона ўтларни юлиб ташладик. Ғаллазор четларини тозалаб, ёнғиндан сақлаш чораларини кўряпмиз.

Шу билан бирга ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Комбайнларни муддатидан олдин ремонтдан чиқариб қўйдик. Ишчиларимиз ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ташкил қилиб, ҳар гектар ердан пландаги 7 ўрнига 12 центнердан ғалла топшириш мажбуриятини олганлар.

Олтин бошоқларни ҳеч нобуд қилмай тезда йиғиштириб оламиз ва давлатга дон топшириш юзасидан берилган планни қисқа вақт ичида адо этамиз.

Ш. САИДБОЕВ,
Бекобод районидаги «Чанноқ» совхози ғаллачилик бригадасининг бошлиғи.

МЕХАНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Оққўрғондаги Ленин номли колхозда чорвачиликни комплекс механизациялаштиришга йил сайин катта эътибор бериб келиняпти.

Бу ерда сигир соғишни механизациялаштириш борасида анча ютуқлар қўлга киритилди. Чорвадорлар «Карусель» установкасини яхши ўзлаштириб олдилар. Бу установка янги қурилган чоғларда беш киши банд бўларди. Энди эса икки сут соғувчи бир йўла 238 бош сигирни эпляяпти. Ҳар беш минутда 16 бош сигир соғилади.

Фермадаги бошқа механизация воситалари ҳам чорва маҳсулдорлигини ошириш, таннархни арзонлаштириш, моддий манфаатдорликни юксалтиришга тўла имкон бермоқда. Сут соғувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 110—120 сўмга тўғри келмоқда.

Колхоз чорвадорлари юбилей йилидагидек бу йил ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Давлатга тўшт сотиш плани аллақачон бажарилган эди. Тухум сотиш йиллик плани эса биринчи кварталдаёқ ошириб адо этилди. Эл дастурхонига серқаймоқ сут етказиб бериш ҳам муваффақиятли бормоқда. Олти ойга мўлжалланган даражага беш ойдаёқ эришилди. Колхозда давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш қизғин давом эттирилмоқда.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Чехословакия Социалистик Республикаси миллий мудофаа министри генерал-полковник, инженер М. Дзурнинг таклифига биноан Совет Иттифоқи Мудофаа Министри, Маршал А. А. Гречко бошчилигидаги ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари делегацияси 17 майдан 22 майгача Чехословакия Социалистик Республикасида бўлди. Делегация составида Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиги армия генерали А. А. Епишев, Совет Иттифоқи Маршали П. К. Кошевой, генерал-полковник Н. В. Огарков ва генерал-полковник В. З. Бисярин бор эдилар. Бу визит қардош армиялар ўртасидаги мунтазам ҳамкорлик доирасида ғамалга оширилди.

Совет Қуролли Кучлари делегациясининг Чехословакия Социалистик Республикасига боришидан мақсад ҳар иккала армиядаги аҳвол тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишдан, ҳарбий қурилишнинг баъзи масалалари юзасидан тажрибаларни ўртоқлашиш ва фикрлашиб олишдан иборат эди.

Миллий мудофаа министри совет делегациясини Чехословакия Халқ армиясининг янги қўмондонлиги билан таништирди. У, совет вакилларини Чехословакия Халқ армияси қурилишининг актуал масалаларидан ва миллий мудофаа министрлиги ҳаракат программасидаги режалардан хабардор қилди. Шу муносабат билан министр бир қанча масалалар юзасидан СССР Қуролли Кучлари делегацияси билан маслаҳатлашиб олди ва шу масалаларнинг Совет Армиясида қандай ҳал этилаётганлиги билан танишди.

Совет делегацияси Совет Армияси қурилиши масалалари тўғрисида навбатдаги ўқув йилининг бориши ва партиявий-сиёсий ишлар соҳасида мўлжалланган тадбирлар тўғрисида хабардор қилди.

Мудофаа министрлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ҳарбий тайёргарлик ва ўзаро ҳамкорликнинг барча асосий масалалари юзасидан қардош армияларнинг бирлигини яна бир марта кўрсатди. Совет Армияси билан Чехословакия Халқ армияси ўртасида дўстликни янада ривожлантириш ҳамда Варшава шартномаси доирасида уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини мустаҳкамлашнинг конкрет тадбирлари белгиланди.

Совет делегацияси Чехословакия Социалистик Республикасида бўлган вақтида делегацияни республика президенти ўртоқ Людвик Свобода, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Александр Дубчек ва ҳукумат раиси ўртоқ Олдржих Черник қабул қилдилар.

● Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитларида ишни пухта ташкил этаётган Бўкадаги Ҳамза номли колхоз пахтакорлари барча майдонларда кўчатни бутлаб олмоқдалар. Ватанга 4600 тонна «оқ олтин» ҳадя этишга сўз берган деҳқонлар шу кунларда ғўза парваришини тобора авж олдирмоқдалар. Суратда: (чапдан) 1-участка бошлиғи М. Қўшбоев ва механизатор-звено бошлиқлари Ж. Ҳасанов, У. Сафаров ўртоқлар культивациянинг сифатини текширмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.



ПАРРАНДАЧИЛАР ЗАФАРИ

Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози паррандабоқарлари февраль ойидаёқ 21 минг дона тухум тайёрлаб йиллик планни бажаришган эди. Улар шу кунгача 30 минг дона тухум сотиб, мажбуриятни ҳам ошириб бажардилар.

Колхоз паррандабоқарлари ВЛКСМ нинг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган кунгача яна 10 минг дона тухум сотиш учун қўшимча мажбуриятни олдилар.

Шунингдек, «Ленинград» колхози паррандабоқарлари ҳам давлатга 25000 ўрнига 26900 дона тухум сотиб йиллик планни 107 процент адо этишди ҳамда йил охиригача 5000 дона тухум тайёрлашга аҳд қилишди.

Б. ИУЛДОШЕВ.

* * *

Янгийўл («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Райондаги Киров номли колхоз чорвадорлари катта ғалабани қўлга киритдилар: давлатга 30 минг ўрнига 35 минг дона тухум топшириб, йиллик план муваффақиятли бажарилди.

— Бизнинг товуқбоқарларимиз, — дейди колхоз раиси Абдураҳмон Юсупов, — эришилган ютуқларни аматлий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Бу соҳада моҳир товуқбоқар Шура Курановнинг хизмати айниқса каттадир. У ўзига топширилган ишни сидқидилдан адо этмоқда. Улар ички имкониятларни тўла ҳисобга олиб, шу йилнинг ўзида икки йиллик план ҳисобида тухум топширишга аҳд қилдилар. Ҳар сафаргидек улар бу йил ҳам ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

ИШЧИЛАРНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Тошкентдаги Октябрь революцияси номли темповозвагон ремонти заводининг қизлари Тожикистондан келган азиз меҳмонларга янги гулларни тақдим этдилар. Тожикистон ССРнинг Ўзбекистонда бошланган адабиёт ва санъат декадаси қатнашчиларининг катта бир группаси 22 май туш пайтида бу ерга келди.

Шу куни корхона цехлари байрам либосини кийган эди. «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар» қўшни республикадан келган дўстларимизга қарата ёзилган шу сўзларни кўп транспарантларда ўқиш мумкин эди. Завод клубида завод бошлиғи Р. Т. Тадулевич, чўян қуйиш цехининг ишчиси Абдулла Султонмуродов меҳмонларни табрикладилар. Улар икки қардош республика халқларининг азалий дўстлиги тўғрисида гапирдилар, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва унинг ғалабаларини мустаҳкамлаш йилларида, Ватан уруши даврида умумий душманга қарши олиб борилган жангларда тўқилган қон билан мустаҳкамланган ана шу дўстликни кўрсатувчи ёрқин мисолларни келтирдилар. Улар таъкидлаб ўтганидек, бу дўстлик коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган кураш жараёнида янада кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Тожикистон маданият министри М. Н. Назаров декаданинг барча қатнашчилари номидан гапириб, самимий кутиб олганликлари ва дўстона истаклар билдирганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди.

Тожикистон ССР халқ артисти, кинорежиссер Абдисалом Раҳимов, таниқли кинактер, республикада хизмат кўрсатган артист А. Қосимов, Тожикистон маданиятининг энг кекса арбобларидан бири, республика халқ артисти Мирбобо Зиёев шу ерда ҳозир бўлган кишилар олдида ижодий ҳисоб бердилар.

Корхона ишчилари Тожикистон давлат филармонияси ва «Гулшан» эстрада ансамбли артистларининг концертини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Учрашув завод цехларида давом эттирилди. Тожикистон маданият арбоблари цехларда ишлаб чиқариш процесслари билан таништилар, ишчилар билан суҳбат қилдилар. Меҳмонлар заводнинг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати музейини бориб кўрдилар. Владимир Ильич Ленин ҳайкали супасига, Совет ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда шу заводдан қатнашган ва жонини фидо қилган юзга яқин ишчининг номлари олтин ҳарфлар билан ёзилган обидага гуллар қўйдилар.

* * *

— Сизлар билан биринчи марта учрашаётган бўлсак ҳам, аммо сизларни кўпдан буён биламиз...

— Тошкентдаги тўқимачилик комбинати читга гул босиш фабрикасининг ишчиси Фарида Пўлатова 22 майда тожик декадаси қатнашчиларига шу сўзлар билан мурожаат қилди.

22 майда Тожикистон вакиллари комбинатга дўстона ташриф билан келган эдилар. Минг-минглаб тўқимачилар уларни қизғин табриклашди. Инженер Салима Мусаева, тўқувчи Людмила Козлова, комбинат партия комитетининг секретари А. М. Пивкиналар митингда сўзлаган нутқларида меҳмонларни декада бошланиши билан самимий қутладилар.

Тошкент тўқимачилари Душанбадаги тўқимачилик комбинатнинг ходимлари билан мусобақада эришган натижалари тўғрисида меҳмонларга гапириб бердилар. Тошкентнинг моҳир тўқимачиларидан бир группаси ҳали яқиндагина Тожикистон пойтахтига бориб, ўз тажрибаларини дўстлар билан баҳам кўрган эди.

— Биз, — деди комбинат директори З. А. Абдуллаев, — бундан буён ҳам мусобақамизни кенгайтираверамиз. Бу мусобақа бизга ҳам, сизларга ҳам наф келтирмоқда.

Тўқимачилар декада қатнашчиларининг янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини чин кўнгилдан тиладилар. Улар тожик шоирлари, артистлари ва музиқачиларининг ажойиб концертини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ТОЖИК ФИЛЬМЛАРИГА МАРҲАМАТ

Қардош тожик дўстларимизнинг декадаси зўр шодиёна, тантана билан утяяпти. Кувончлар кувончларга уланмоқда. Декаданинг боришн бамисоли спорт эстафетасига ўхшайди. Декада тантанаси мўйқалам соҳиблари кўргазмасининг очилишига, бу кувонч кино санъати усталари фестивалининг очилишига уланиб кетди.

Шаҳримиздаги Санъат саройида тожик кинематографистларининг фестивали ўз ишини бошлади. Тантанада минбарга чиқиб келган Тожикистон ва Ўзбекистон давлат арбоблари, кино усталарига пионерлар гулдурос қарсаклар остида гулдасталар тақдим этишди.

— Гуллаган диёримизга, гўзал тожикистонлик дўстларимиз ташриф буюришди,—деб сўз бошлади Ўзбекистон кинематографистлар Союзининг раиси А. Қаюмов.— Бугун Ўзбекистонда баҳор жамол очмоқда. Тожикистон ҳам гулларга бурканган. Бизнинг дўстлигимиз ҳам худди баҳорга ўхшайди. Бу умрибоқий баҳор—дўстлик. Тожик билан ўзбекнинг урф-одати, қалби бир. Бу бирлик адабиёт ва санъат аҳлларининг ҳамкорлигида, кино санъати усталарининг иҳодий ҳамкорлигида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбек санъаткори иштирок этмаган бирорта тожик фильми бўлмаганидек, тожик артистлари маҳоратини намойиш этмаган бирорта кинолентани топиш амри-маҳол. Бу ҳамкорлик кинематография бобидаги илк қадамлар, даноқ бошланган. Давлат мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Комил Ерматов кино санъатидаги биринчи қадамини тожик киностудиясида бошлаган эди. То шу кунгача К. Ерматов ҳам тожик, ҳам ўзбек кино санъати учун ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Атоқли санъаткор, СССР халқ артисти Малик Қаюмов бу икки қон-қардош халқ ҳаётига оид кинолеталар яратиб Иттифоқимиз киносанъатини янада бойитди.

Икки халқ санъаткорларининг ҳамкорлиқда олиб бораётган ишлари дўстлигимизнинг янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ўйлаймизки, тожик кинофестивали муваффақиятли ўтади.

Шундан сўнг Тожикистон кинематографистлар союзининг раиси С. Мирзоёвга сўз берилди. У кино санъати бобидаги биринчи қадамларимиз то шу кунгача ҳамкорлиқда олиб бораётган ишларимиз ҳақида тўхталди.

— К. Ерматов билан М. Қаюмов тожик киносанъатини бошловчилари эдилар. Эндиликда улар ўзбек кино санъатининг отаҳонлари бўлиб етишди. Шу билан бир қаторда тожик кино санъати учун ҳам баракали ёрдам, таъсир кўрсатмоқдалар. Биз Ўзбекистонда ўтказиладиган декадага бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлар олиб келдик. Фильмларимиздаги ютуқ ва камчиликларимизни талабчан ўзбек томошабинлари, санъаткорлари кўрсатиб ўтишади, деган умиддамиз. Изланиш йўлида маълум камчиликларга йўл қўйган бўлсак-да, озми-кўпми муваффақиятларга ҳам эришяпмиз. Бу муваффақиятларда шубҳасиз ўзбек киносанъаткорларининг ҳиссаси ниҳоятда катта.

Иигилиш сўнгида» «Она қалби» ва «Хиёнат» фильмлари намойиш этилди.

Кинофестивалнинг очилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов, Тожикистон КП Марказий Комитетининг секретари, И. Раҳимова, Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Азимов ва бошқа ўртоқлар иштирок этишди.

ИЮНЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Тушки дам олиш вақти. Ишчилар тўп-тўп бўлишиб шашка-шахмат, домино, теннис ўйнашмоқда, ўзаро суҳбат, ҳазил-мутойиба, қулги-ҳандалар авжига чиққан. Шу вақт радио карнайларидан дикторнинг овози эшитилди. «Диққат, диққат! Кувончли хушхабарни ўқиб эшитирамиз ,бу хушхабар Москвадан олинган».

— Матбаачиларимиз Бутуниттифоқ мусобақасида яна ғолиб чиқдилар. СССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитети ва маданият ходимлари кабаса союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини коллективимиз иккинчи марта қўлда сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ҳаммани катта ғалаба билан қизғин қутлаймиз...

Янгийўлдаги 2-босмахона коллективи тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириғини ҳам муваффақиятли бажарди. Шу давр ичида бир миллион 118 минг нусха китоб — журналлар, шу жумладан республикамиз ўқувчилари учун 935 минг нусха дарслик тайёрланди. Линотипчи Д. Хидирбоев, харф терувчи З. Блинова, муқовачилардан Е. Яковлева ва А. Козировалар меҳнатда ҳаммага ўрнак бўлишмоқда. Бу пешқадамлар ҳозир июнь ойи ҳисобига маҳсулот беришяпти.

Ҳ. ТОШМАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ 1968 МАЙ

Декаданинг очилиш кунида Алишер Навоий номли опера ва балет Катта театрида Тожикистон санъаткорларининг катта концерти бўлди. СССР халқ артисти Муҳаммаджон Қосимов Жомий ролида ва артист Бурхон Раҳмонов Навоий ролида саҳнада пайдо бўлиб бир-бировлари билан кўришганларида залда кучли олқишлар кўтарилди.

Ҳаётий лавҳалар

Куни кеча шаҳримиздаги Бирлашган Офицерлар уйида тожик тасвирий санъат усталарининг кўргазмаси очилди.

Кўргазмани Ўзбекистон Маданият министрининг ўринбосари С. Камолиддинов кириш нутқи билан очиб анъанага айланиб бораётган декадалар, дўстлик анжуманлари ҳақида гапирди.

Сўнгра Ўзбекистон рассомлар Союзининг раиси Р. Аҳмедов қардош дўстларимизни ўзбек диёрига келгани билан қутлади. Тожикистон рассомлар Союзининг раиси Х. Хушвақтов жавоб нутқида меҳмондўст ўзбек халқига ташаккур билдирди. Тожикистон Маданият министрининг ўринбосари Х. Шаршов тожик рассомларининг совғасини топширди.

Шундан сўнг тўпланганлар кўргазма залини томоша қила бошладилар. Гўзал табиат манзаралари, кишилар характерининг мураккаб қирраларини ўзида мужассамлантирган суратлар бенхтиёр томошабинлар ихтиёрини ўзига жалб этди.

Одатда, тошкентликлар бундай тасвирий санъат кўргазмаларини ниҳоятда қизиқиш билан томоша қиладилар. Санъатнинг бу мураккаб бобидаги изланишлар, янгиликлар, ижодий ютуқлар ҳамшаҳарларимизни ҳамиша ҳаяжонлантириб, қизиқтириб келган. Тожик мўйқалам соҳибларининг кўргазмаси ҳам ўзбек санъат ишқибозларида чуқур таассурот қолдирди.

Тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилишининг қувончли томони шундаки, биз тожик рассомларининг ижодидаги янгилик ва ютуқлар, ижод майдонига кириб келган янги кишилар, ёш рассомларнинг таланти, оригиналлиги билан яқиндан танишамиз.

Кўргазма залига кирар экан-миз, даставвал нозик дид, моҳирона санъат билан яратилган табиат лавҳаларига кўзимиз тушади. Бу мавзу тожик рассомларнинг ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Тожик мўйқалам соҳибларининг бу борадаги изланишлари, табиат лавҳаларининг янгидан-янги қирраларини очишга интилишлари кўргазмага қўйилган ҳар бир суратда ўз ифодасини топган.

Бу суратлар орасида Хушвақтовнинг кўкўпар тоғлар, баҳаво айловлар, сўлим хиёбонларни тасвирлаган полотнолари марказий ўринни тутади. Рассомнинг ижодида Помир гўзаллигини акс эттиришга интилиш кучли. У қуруқ манзара яратмайди аксинча шу табиат лавҳаси орқали маълум бир фикрни илгари суради. «Хорог» суратида рассом Помир воҳисининг гўзаллигини оригинал услубда ярата олган. Бу сурат ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир. Рассомнинг «Олой водийси» асарида ҳам мана шу ғоя давом этади.

Рассом З. Ҳабибуллаев ҳам жўшқин, сеҳргар табиат лавҳаларини яратган. Унинг асарларида олам ўзининг бор гўзаллиги, қудрати ва табиийлиги билан яққол кўринади, ҳозирги кунининг руҳи барқ уриб туради. Бунга унинг «Шимолий Помир», «Нурек» каби асарлари мисол бўла олади. Хабибуллаев ўз тупроғининг гўзаллигини, миллий санъатини намойиш этиш билан бирга ҳар бир асарида маълум бир фалсафий ғояни илгари суради. Мана шу изланиш рассом ижодидаги оригиналликдан далолатдир.

Табиат тасвири чизиш борасида А. Матасов ҳам баракали ижод қилмоқда.

Шу билан бир қаторда тожик рассомлари портрет яратиш жанрида ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Табиат тасвирини яратишга интилиш ўз тарихига эга портрет жанридаги изланишлар эса фақатгина кейинги йилларда авж олди. Сўнгги даврда етишиб чиққан бирталай истеъдодли ёш рассомларнинг ижоди тожик тасвирий санъати учун муҳим воқеа бўлди. Ёшлар портрет яратишдек жиддий ва мураккаб ишга дадил қўл урмоқдалар.

Ёш рассом И. Лисиковнинг бу борадаги изланишлари санъат ишқибозларини қувонтирмай иложи йўқ. У кишилар характерини ички дунёсига боғлагани ҳолда очишга интилади. Рассомнинг «Учувчи Собиров» портрети фикримизнинг далилидир.

Рассом В. Боборикин ягона композицияга эга бўлган портретлар яратиш устида самарали иш қилаяпти. Унинг асарларини кўпдан санъат шайдолари қизиқтириб, қувонтириб келмоқда. Нозик дид билан яратилган бу асарлар ҳамшаҳарларимизга ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз.

Шунингдек, кўргазмага қўйилган Арзумановнинг «Навоий Беҳзод устахонасида», Абдураҳмоновнинг «Регар қишлоғи», Пономоревнинг «Нурек монтажчилари», Раҳимовнинг «Муроб», Сафаровнинг «Тинч ҳаёт», «Жанговар йиллар» каби асарлари ўз гўзаллиги ва ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир.

1934 йил апрелида Тожикистон республикасининг пойтахтида биринчи марта тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилган эди. Кўргазмада атиги саккиз рассомнинг асари намойиш қилинганди. Бу ўша давр учун муҳим воқеа эди, албатта.

Бугунги кунга келиб тожик рассомларининг сафи ўсди, мустаҳкамланди. Шаҳримизда ташкил этилган кўргазмада эса 200 дан ортиқ асар намойиш этилаяпти. Бу тожик мўйқалам соҳибларининг ижодий парвози тобора кенг қулоч ёзиб бораётганидан, улар тинмай изланаётганидан далолат беради.

Э. УСМОНОВ,
Т. ОДИЛБЕКОВ.

ГЎЗАЛЛИК КУЙЧИСИ

(Б. РАҲИМЗОДАНИНГ «Тарона»си ҳақида)

Боқи Раҳимзода тожик совет поэзиясининг йирик вакилларидан бири. Унинг ижоди совет Тожикистонининг бугунги гўзал ҳаёти билан ҳамнафасдир. Шоирнинг лирик шеърлари, сўлим ғазаллари ва ўткир ҳажвиялари китобхонни кўпдан мафтун этиб келаяпти. Боқи Раҳимзоданинг «Фронтга», «Нурли Қўҳистон», «Ҳаёт ва сўз», «Ҳунар қаноти», «Ўтилган йўллар» каби ўндан ортиқ тўпламлари шеърият ихлосмандларининг севимли китобларига айланган.

Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадасининг очилиши муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти Боқи Раҳимзоданинг «Тарона» шеърий тўпламини китобхонларга ҳадя қилди.

Тўпламга кирган шеърларнинг ҳар бири кўтарган фикрининг зарурлиги билан қимматли. Тўплам «Ленин булоғи» шеъри билан бошланади. Шеър зўр маҳорат билан ёзилган, шунингдек таржимаси ҳам ажойиб. Уни марҳум устоз М. Шайхзода ўзбек тилига таржима қилган.

Шоир она қишлоқни таърифлар экан, унинг атрофидаги боғу-роғлар, бўй чўзган дарахтлар, кўм-кўк майсалар ва қишлоқдан чиққан қонлар, бойликларни китобхон кўз олдига худди кинолентадек чизиб беради-ю, бирдан қишлоқнинг ўтмишини эслайди:

Деди: «Бундан кўп йил муқаддам,
Бунда на сув бор эди, на дарахт...
Ташна халқнинг кўнглида алам,
Экай десанг ер нобоп, қарахт.

Сув келди, ҳаёт келди, деганларидек қишлоқда янги ҳаёт пайдо бўлади, тўрт томона боғ-рогга айланади ва қишлоқ атрофидан туз конлари топилади. Шундай кўркамлик Ленин кўрсатмаси билан амалга ошганлигини шоир ўз шеърида баралла куйлайди.

Халқлар дўстлиги мотивини куйлайдиган шеърлар ҳам шоир тўпламидан кенг ўрин олган:

Ўзга ҳамма халқлар фарқи осондир,
Лекин бизлар бўлиб яқин ва бирдек,
Кўрган киши сўрамоғи аёндек,
Эй жўра, айт, сен ўзбекми ё тожик?

Шоирнинг ана шу тўртлигида қадимий Мовароуннаҳрдан бошлаб шу кунгача қўшни ва ниқоб яшовчи икки халқ тожик ва ўзбекнинг бир-бирига яқинлиги кўрсатилган. Ўзбек халқига меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб, юрак қаъридан отилиб чиққан ва биринчи бор шоир тилидан янграган бўлсада, рубоий, давр руҳи нуқтан назаридан шу кунларимизнинг рамзи ва шиори деса бўлади. Бир рубоийда тожик ва ўзбек халқининг иноқ ва ажралмас дўстлигини ана шундай чуқур, фалсафий мазмунда ифодаланди.

Забардаст шоир дўстликни баланд овоз билан тараннум ва тарғиб этувчи ижодкордир. Унинг ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий дўстликни улуғловчи қўйидаги шеърлари алоҳида диққатга сазовор:

Оға-ини, опа-сингил, дўстлар номидан
Меҳру вафо садоқатдан дил қўшиқ бошлар.
Қуёш каби ҳароратли шу дил жомидан
Сизга салом олиб келдик, азиз қардошлар.
Қадим элда туғилгандир бирга созимиз,
Сирга қўлин бериб йўлга чиққан зарафшон.
Ўша дамдан бир хил бўлган юрак розимиз,
(«Ўзбек дўстлар»га).

Бу шеърдаги теранликнинг ҳаётий сабаблари бор. Боқи Раҳимзода — ёшлигида чўпонлик қилган чоғларида ҳам, пахта заводларида ишлаган пайтларида ҳам ўз халқи ҳаётида рўй берган ўзгаришларни, воқеаларни, турмушнинг янги шакл ва мазмун касб этишини кузатиб боради. Ана шу ўзгаришларни амалга ошираётган ягона улуғвор куч барча миллат халқларининг якдиллигида, бирлигида, фаровон ҳаётга интилиши ва жасоратида, деб биладн.

Тўпламда севги-муҳаббат мавзуида ёзилган шеърлар ҳам бор. Қуёш чиқиб, оламни нурафшон этиб, борлиқни тафтида қиздириб, табиатга жон киргизгани сингари, муҳаббат ҳам бир юракда туғилдими, уни безайди, жўш урдиради, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ундайди, ўша қалб эгасини ўз қудратидан баҳраманд қилади. Шоир «Ишқ» шеърида муҳаббат инсонни юксакликка кўтариши, «ўтда титратиб, музда ёндириши», бошга маъломат ёғдириши, ҳижрон изтиробларига дучор қилишига қарамай, кишига мислсиз лаззат бахш этишигача — ҳаммасини таъсирли қилиб ифодалайди.

Ишқ кишига гайрату, нашъу наво бағишлар,
Чин муҳаббат дилингга сидқу сафо бағишлар.
Ишқдир кўзинг гавҳари, азиз тутгин доимо,
Жону танинг дилингга руҳ ва зиё бағишлар.
Инсон муҳаббатидир ҳаётнинг чин безаги.
Дилингга орзу-ҳавас, тилга садо бағишлар.
(«Ишқи»)

Боқи Раҳимзода гул ва баҳор шайдоси. Унинг «Атиргул», «Гулшанимиз», «Баҳория», «Баҳор фасли эди» каби қатор шеърлари шулар жумласидандир. Боқи Раҳимзода шеърларидан илк кўкламда ғунча очадиган «нозик ва там-там» гунафшанинг ҳиёл атри, атир гулнинг ўткир ҳидини, қир-адирлар сабзасининг баҳри-дилни яшнатувчи яшиллигини, кўп ўтмай «лолалар алангаси» билан қопланишини, тоғ ён бағридаги «жайрон кўзли» булоқнинг мусиқасини, ўтовнинг шифобахш ҳавосини, чўлнинг анғиз ва тувалоқлари гаштини, меҳнаткаш далалар, водийлар ғўзаллигини ҳис этамиз, улар бизни сеҳрлагандай бўлади. Лирика тилига кўчирилган манзаралар кўпинча шоир лирик қаҳрамонининг ўй ва кечинмалари билан пайванд ҳолда берилади.

Гул куйида шайдо булбул ҳижрон доғидан
Куйлар эди кўрмак бўлиб маст дили висол.
Субҳидамнинг зар нурига ювиб юзини,
Жилва бирлан боқар эди олисдан ҳилол.
Баҳор фасли эди.
Киши бемор бўлса унга хуш келмас экан,
Булбулларнинг навосию ва кулган баҳор.
Ул дақиқа қулоғимга оғир ботарди
Кўчалардан эшитилган най саси «ёр-ёр»
Баҳор фасли эди.
(«Баҳор фасли эди»)

Б. Раҳимзода лирик шеърларининг ана шундай нафислиги, рангго-ранг бўёқлиги, самимий, ҳаётийлиги, ҳароратли ва жўшқинлигининг боиси шоирнинг Айний, Лоҳутий устозлардан сабоқ олгани, зийраклик билан ҳаётни кузата бориши ва халқ билан ҳамнафас бўлишидир. Унда фикр ва ҳис кучли, лирик қаҳрамонининг курашчан мураккаб характери, катта қалби моҳирлик билан очилади ва эсда қолади. Ҳар бир шеър ўқувчини чуқур мулоҳаза юритишга, ҳаёт мазмуни чақишга ўргатади.

«Тарона» тўпламидаги шеърларни Аширмат. Назармат, Ж. Эргаш, У. Умаров ва М. Остоновлар таржима қилганлар.

Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси ўтаётган дамларда, ўзбек китобхонлари бошқа дўстлари қатори Боқи Раҳимзода билан дийдор кўришмоқда. Унинг ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ҳақидаги янги шеърларидан тинглаб, завқ олмоқда.

Муҳаммад БАҚОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўзбек Совет Энциклопедиясининг илмий редактори.

ОҒА-ИНИЛАР

Ғаффор МИРЗО

Тарихни тажрибали боғбон ва донишманд деб биламиз.

Ўрта Осиёда, Ғарбу Шарқнинг катта карвон йўлида, жуда қадим замонларда бақувват танали ва кўп илдизли бир ҳаёт-бахш дарахт пайдо бўлган. Унга боғнинг икки олма қаламчасини пайванд қилибдилар. У саховатманд тананинг ҳаёт-бахш, оналик меҳри билан бу икки пайванд замонлар ўтиши билан қаламчадан навдага, навдадан мевали шохга айланиб, сохиби соя, сохиби гул, сохиби меваю барг бўлибди. Тонг шабадалари, оташ пурковчи гармселлар, дўстлар ташрифи-ю, ажнабий босқинчилар ҳужумлари, каптар-у калҳатлар, зоғу қузғунлар — нимаики у пайвандли олма дарахти устидан ўтган бўлсалар,— хоҳ яхши ният, хоҳ ёмон ният билан ўтган бўлсалар-да, ҳамма вақт, кунданкун, йилдан-йил ва асрлар оша у икки пайванд шохнинг биобирига яқин ва қондош бўлиши учун, рангу ҳиди ва лаззатининг бир хил бўлиши учун, бир хилда мева қилиб, у икки пайванднинг бир-биридан ажралмас ва мустаҳкам биродар бўлиши учун восита бўлган экан. У икки пайванд устларидан ўтган барча бадбахтлик ва тотли дамлар уларни ҳамон ўша қўпилдизли, мустаҳкам, ҳаётбахш танага янада маҳкамроқ боғлар экан. Икки ўзга қаламча худди бир ота-онанинг фарзанди каби бир-бирининг ёнбошида улғайиб, вояга етиб борар экан.

Тожик ва ўзбек халқлари ҳам худди шу икки қаламча каби бир-бирларига чатишган уруғаймоқли бўлиб, уларнинг қўпилдизли дарахти — ҳаётбахш, қадрдон оналари — чегарасини кўз илғамас азиз юртларидир.

Қатъий белгили чегара чизиғини ким айтиб бера олади, ахир! «Бу ерда ўзбеклар ери тамом бўлади, ўғи тожиклар юрти бўлади», деб ўйлама! Сен буни яхши билиб ол ва ундан хабардор бўл! Бунинг аксини кўрсатувчи чегара чизиғи каерда? Борми?! Йўқ! Бу хилда аниқ ва мукаррар чегара чизиғи йўқдир. Ўзбекларнинг қайси шаҳрида тожиклар яшамайди, ёки тегжойлик, маҳаллий тожиклар орасида — қайси тожиклар шаҳрида ўзбеклар яшамайди?

Вахш водисини ўзбекларсиз ёки Фарғона водисини тожикларсиз ҳеч ким тасаввур эта олмайди!

Тожику ўзбеклар неча асрлар мобайнида қўлга қўл бериб, жонажон ҳамроҳ ва ҳамқисмат бўлиб келган икки ҳамсафар, қариндош биродарлардир.

Ленинободдан Тошкентга қирқ беш минутлик йўл. Лекин, қирқ беш минутдан иборат бўлган бу қисқа ва ихчам муддат эзгу мулоҳазалар, дўстлар қошига тезроқ етиб бориш орзулари ва интизорликлар билан тўлиб тошган эди. Биз билан ва биага азиз бўлган Тошкент ўртасида. Ўрта Осиё ва жумладан тожиклар диёрининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида бениҳоя катта роль ўйнаган шаҳар ўртасида турган бу муддат ифтиҳор ва ҳаяжонлар билан қопланган эди.

Тошкент... Тожикистоннинг минг-минглаб қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ўқитувчилари, инженерларининг мактабхонаси, Тожикистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун революциянинг дастлабки йилларида майдонга отилиб чиққан минг-минглаб партия ва совет кадрларини ўқитиб, чиниқтирган азиз даргоҳдир.

Бизнинг буюк Иттифоқимизда энди бир ёшга тўлган шаҳарлар ҳам бор. Уларнинг юзга киришлари учун юз йил, минг ёшга тўлишлари учун минг йил керакдир. Буни тилда айтиш осон, фақат. Лекин, Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хўжанд каби шаҳарлари бундан минг йил илгари ҳам минг яшару икки минг яшар бўлганлар. Бу кекса шаҳарлар ичида ёшроғи Тошкентдир. Бироқ у ҳам кекса кенглардан қолишмайди. Тошкент Чирчиқ дарёсининг соҳилида. Ўзбеклар ўлкасининг ёқасида икки минг йилдан буён қад ростлаб ҳаёт кечирмоқда.

Киши агар бу қадимий шаҳарнинг ўтмишини ва ҳозирги ҳаётини кўз олдига келтирса, инсоният тарихида асрлар оша тобора юксалиб, улғайиб боришга мансуб бўлган, жаҳонда кам учрайдиган шаҳарлардан бири, деб ўйлайди.

Дунёда бир замонлар савдою тижорат, илму маданият, санъату ҳунармандчилик пойтахти бўлиб, тарихнинг хоҳиши билан ўз мавқеини тез йўқотиб, таназзулга учраб, аҳолиси кўп шаҳардан кичик қишлоққа айланиб қолган шаҳарлар ҳам бор. Лекин, Тошкент ўз тараққиёти йўлида ғўё шошилмай, саросимага тушмай, аста-секин тадрижан бир меёрда ҳаёт кечириб, ўз улуғворлиги ва бахтига эришган шаҳардир. Бундай шаҳарни йиғирманчи асрда кўп шаҳарлар ҳавас ва орзу қиладилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларида Тошкент революциянинг Ўрта Осиёдаги штаби эди. Жаҳонда бундай беқиёс бахту саодатга муяссар бўлган қанча шаҳар бор? Революция штаби! Тошкент Ўрта Осиёда эски дунё ўрнига янги дунё, янги ҳаёт барпо этган революцион кучларнинг марказидир! Тошкент марксизм-ленинизмнинг муқаддас назариясини ўз қўшнилари орасида ёйган, уларни амалга оширишда намуна кўрсатган шаҳардир.

Октябрь революциясидан кейин икки йилу ўн ой Бухоро амири асоратида бўлган тожиклар ўзларига ўзбек халқининг кўрсатган дўстлик ёрдамини, шунингдек Тошкент фарзандларининг самимий кўмагини ҳеч качон ва ҳеч вақт унутилмайдилар. Октябрь революцияси Петроград ва Москвадан Тожикистон тоғларига Тошкент орқали етиб келгандир. Ленин сўзлари, рус халқининг улуғ ёрдами, озодлик хабари, оддий меҳнаткашларнинг бахту саодати Тожикистон тоғларига Тошкент орқали етиб келгаи. Тожикистондаги маданий революция Тошкентнинг мактабу институтларида, университетлар дарсхоналарида, заводу фабрикаларида тайёрланган эди.

Тожиклар Ўзбекистон фарзандларининг, тошкентлик биродарларининг бу яхшиликларини ҳозиргача унутганликлари йўқ.

Бир тожик ёзувчиси ўз халқининг Тошкентга бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиб:

— Бизнинг йўлимиз, тожиклар йўли Москвага ҳамиша Тошкент орқали ўтади,— деган эди.

Бу жуда тўғри ва ҳақ сўздир!

Душанба шаҳри.

Пайров СУЛАЙМОНИЙ

ҚАЛАМ

Менга устоз, ёсам достон, қаламим,
Серилтифот бир таржимон, қаламим,
Қалам билан дил овозим ёзилгай,
Менга ҳатто ёри жонон, қаламим.
Ўлмагайман жаҳон тирикдир то,
Ўлсамам, қолгуси нишон, қаламим,
Мен ҳаётимда сокину ҳомуш,
Дилда не бор, этар баён қаламим.
Тили йўқлиқ, бу — жони йўқликдир,
Бўлди доим тасмда жон қаламим.
Ким, қаро йўлга бўлмадим йўлчи —
Бўлди ғамхўру посбон қаламим.
Мен қизил йўлга кирганим дамдан —
Бўлди бир шоҳиди замон, қаламим.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Қамаганди мени уйга қиш исканжаси,
Эзган эди хасталикнинг қоқшол панжаси.
Ва ҳам эдим уйқусиз тун аламзадаси,
Тонгда келди хуш бир насим — кўклам муждаси
Кўклам нафаси, кўклам нафаси.
Димоғимга бир нс келди — ажиб муаттар,
Руҳим ногоҳ парвоз этди самога қадар,
Тун кечди-ю, бўлиб қолди тонгим мунаввар.
Интизорлик кечди, бу кун ҳаёт ҳандаси —
Кўклам нафаси, кўклам нафаси.
Гулшанларни шўх шамоллар оралар энди,
Булутлар ҳам ўз кўкини поралар энди,
Гиёҳларда минг — бир бўёқ таралар энди,
Гиёҳларга бўёқларнинг ишқий тамғаси —
Кўклам нафаси, кўклам нафаси.
Бу кун сабза урди ерки, сўлим, бепоён,
Бу кун ҳар боғ гўшасида чечак намоён,
Бу кун сарви саноБар ҳам бўлди навқирон,
Бутоқларда маржон гуллар — кўклам тухфаси,
Кўклам нафаси, кўклам нафаси.
Таманноли чиройдадир бинафша, сумбул,
Қолишмайди таманнода, аммо суман — гул,
Боғ бон қайда, кўнолин очар сайроқи булбул:
Бўлсин богда дилдорининг соз хандаси!
Кўклам нафаси, кўклам нафаси.
Тонгда эсган майин насим, бўлгил равона,
Бориб топгил — қайда бўлса дилбар ягона.
Сен Пайравдан етказ унга хуррам тарона:
Қутлуғ сенга, агар бўлсанг кўклам ташаси,
Кўклам нафаси кўклам нафаси.

О. МУХТОРОВ таржимаси.

Мўмин ҚАНОАТ

ОФТОБ ЎЙНАР

Азизим, дилда сақлайсан
Ҳар бир нома, каломимни.
Салом келтирдим дўстлардин
Эшит оташ саломимни,
Қабул эт, сенга бахш этгум
Қўлимда ишқи жомимни,
Магзин чақиб саволимни,
Бўлиб ол сен савобимни.
Қанча гўзал, нозаниндан
Сени мен аъло кўргайман,
Минг-минг Юнон хуридинмас,
Ўзингдан вафо кўргайман.
Ҳайкал сифат бутпарасдин
Сени мен раъно кўргаймен
Агар билсанг жаҳон аро
Сени мен зебо кўргаймен
Сафарда сен нигоҳимда,
Вужудимда эдинг доим,
Мадҳинг қуйлаб сени шеърим
Дарё йўқлаб оқарди жим.
Яқинроқ кел, эй, зулфи сумбул,
Менинг оҳу чарос кўзим,
Сен қолгандинг пойлаб йўлим,
Дилбар ёнингда йўқ эрдим.
Кўзинг шўхлигида гўё
Ўйноқи зар Варзоб ўйнар,
Сув ичганда томоғингда
Гўё лаъли гулоб ўйнар,
Сени бахтли деяр ҳамма,
Чеҳрангда нур, офтоб ўйнар.
Кўлларингда китоб ўйнар,
Кўзда дуру ноёб ўйнар!

Тожикчадан Ашурали АҲМЕДОВ таржимаси.

Тожикистон давлат филармониясининг «Лола» ансамбли ўзбек томошабинларини ўзининг рангбаранг репертуарлари билан хурсанд этмоқда. Сиз кўриб турган бу суратда ансамблнинг рубобчи қизлари янги қўшиқ ижро этмоқдалар.

И. Глауберзон ва А. Тўраев фотолари.

Абдумалик БАҲОРИЙ

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ

Жонажон партиямиз,
Сендан миннатдор ҳамма.
Ҳар бир доно ўгитинг
Ҳаётгадир йўлланма.
Илму амал йўлларин
Кўрсатиб бердинг ўзинг.
Янги ғайрат, янги шавқ,
Куч бағишлар ҳар сўзинг.
Сендан коммуна тонги,
Шуъла олиб ёришар.
Олам умиди сенда
Сенга нигорон башар.
Жонажон партиямиз,
Сендан миннатдор ҳамма,
Ҳар бир доно ўгитинг,
Ҳаётгадир йўлланма.
Ватанпарвар элимиз
Сендан олади мадад,
Қучган ҳар ғалабамиз
Номинг-ла боғлиқ, пайванд.
Дилга жойлаб номингни
Ғовлардан ўтдик осон.
Бугун, мана, йўл олдик
Бахтлар чўққиси томон,
Жонажон партиямиз
Сендан миннатдор ҳамма,
Ҳар бир доно ўгитинг
Ҳаётгадир йўлланма.
Насларнинг наслини
Доимо ғамин ейсан.
Бир умр бўлиб рози
Яшасин инсон, дейсан.
Инсоният ҳур, озод,
Бахтиёр бўлсин дейсан.
Яшнаб боғу бўстонлар
Нурларга тўлсин, дейсан.
Жонажон партиямиз.
Сендан миннатдор ҳамма.
Ҳар бир доно ўгитинг
Ҳаётгадир йўлланма.
Жангга қарши жанг қилиб
Тинчлик ишин ёқлайсан,
Элни зафарга бошлаб,
Ватанни ардоқлайсан.
Дўстликда камол топсин
Бутун жумлаю жаҳон,
Меҳрингдан баҳра олгай
Ҳар бир инсон, ҳар бир жон.
Жонажон партиямиз,
Сендан миннатдор ҳамма,
Ҳар бир доно ўгитинг
Ҳаётгадир йўлланма.

Тожикчадан Жума ЭРГАШ таржимаси.

НОНИНГ БОР — НОМИНГ БОР

Қутби КИРОМ

«Нонинг бор — номинг бор» — тожик мақоли,
Асрлар қаъридан берар аксадо.
Нон топиб барқарор этиш — чин номин
Халқим ўз жонини этарди фидо.
— Авлоду аждодим эшитсин раҳмат,
Қишлоқдан қишлоққа ўтсин деб, исмим —
Кенг кўча бўйида қурар иморат
Ва баҳам кўрарди меҳмон-ла ризқин.
Бировнинг ғамига шерик бўлолса,
Очлигин сезмасди, юрарди кулиб.
Бу олий ҳимматлик, нон учун кураш
Ҳамдардлик айтишинг эди бир йўли.

Тожикчадан Ў. ЖАМОЛ таржимаси.

Республикамизда тожик адабиёти ва санъати декадаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Тожикистондан келган азиз меҳмонлар пойтахт меҳнаткашлари билан учрашмоқдалар.

Атоқли шоир Рудакий номли Тожикистон республика мукофотининг лауреати Аминжон Шукуҳий Тошкентда Навоий номли театр майдонида очилган китоб бозорида китобхонларга автографлар ёзиб бермоқда.

ЯНГИ ИШ РЕЖИМИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДАН

Кеча хабар берганимиздек, меҳнаткашлар депутатлари область Советининг XI чақириқ VI сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ **С. А. Тошкулов** «Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан маиший хизмат, транспорт ва савдо корхоналари ишини янада яхшилаш тўғрисида» доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қарорига мувофиқ, — дейди, докладчи, — областимиздаги барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўн ойдан буён икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси асосида ишлашмоқда. Бу муҳим социал-иқтисодий тадбир партия XXIII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил сентябрь Пленумининг совет халқи турмуш фаровонлигини ошириш руҳи билан суғорилган қарорлари асосида амалга оширилди.

Янги иш режими яъни беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши маиший хизмат, савдо ҳамда шаҳар транспорти, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари коллективлари олдига янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Шундай экан, зиммадаги ана шу юксак ва масъулиятли вазифани тўғри ва муваффақиятли адо этиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ишларини намунали ташкил этиш шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг маиший хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ, ҳар томонлама қондириш учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ҳозирги кунда областимиздаги барча шаҳар ва район марказларида икки ёки уч қаватли шинам маиший хизмат кўрсатиш уйлари ва комбинатлари ишлаб турибди. Хизмат кўрсатиш устахоналар тармоғи юздан ортиққа кўпайди. Қибрай, Келес посёлкалари ва бошқа жойларда очилган комплекс қабул пунктлари ана шу йўлда бошланган ишимизнинг дебочаси, десак бўлади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарини ихтисослаш, йириклаштириш, механизациялаш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 900 дан ортиқ технологик асбоб-ускуналар ва мослама талай модалар ателъеси ва устахоналарга ўрнатилди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, — деди нотиқ, — саноат корхоналари, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини янада ривожлантиришда бизга катта ёрдам кўрсатишмоқда. Жумладан Чирчиқ шаҳар трансформатор заводи маъмуриятининг 375 квадрат метр майдонда комплекс маиший хизмат кўрсатадиган бино қуришга аҳд қилганлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, Оққўрғон районидаги Димитров номли колхозда шинам модалар ателъеси биноси қуриб берилди. Бу комбинат қишлоқ аҳолисига маиший хизматнинг беш хил тури бўйича хизмат қилмоқда.

Афсуски, областдаги ҳамма саноат корхоналари, колхоз ва совхоз раҳбарлари маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилашга ана шундай муносабатда бўлишяпти, деб айтолмаймиз. Ҳозирги кунгача 18 колхоз ва совхозда маиший хизмат мутлақо йўлга қўйилмаган. 60 колхоз ва совхозда эса бир-икки туригина хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина колхоз ва совхозларда ҳатто сартарошхона, пойафзал ва кийим-кечак, радиоприёмник, телевизор ремонт қиладиган устахоналар ва қабул пунктлари йўқ.

Бу камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиш ва маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу йил маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми область бўйича 12,5 миллион сўмни ташкил этади. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш эса 8 сўм 54 тийинга тўғри келади. 70-йилга бориб бу кўрсаткич 13 сўм 21 тийин, шаҳарларда 20 сўм ва қишлоқ жойларда 10 сўмни ташкил этади. Маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун 1968 йилда 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Икки кунлик дам олиш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан автотранспорт хўжаликлари ҳам ўз ишларини қайта қуришди. Автобус ва таксомотор парклларида янги ҳаракат графиклари тузилди. Линиялардаги иш режими қайтадан кўриб чиқилди. Корхоналарнинг иш режимини ҳисобга олган ҳолда янги маршрутлар очилди.

Беш кунликка ўтилмасдан олдин областимизда 21 маршрутда 156 та автобус қатнар эди. Ҳозир маршрутлар сони 28 тага, автобуслар эса 200 тага кўпайди.

Лекин, транспорт хўжалиги ҳали жиддий камчиликлардан ҳоли эмас. Ҳозирги кунга қадар, айниқса, эрталабки ва кечки йўловчилар учун транспорт хизматидан фойдаланишда қийинчиликлар сезилмоқда. Бу эса ҳаракатдаги составнинг техник тайёргарлиги паст бўлганлиги, хўжаликларни запас қисмлар билан қониқарсиз таъмин этилаётганлиги натижасидагина содир бўлмоқда. Корхона ва ташкилот раҳбарлари шаҳар ва район ижроия комитетлари билан бирга бу хўжаликларнинг ишини қайта кўриб чиқишлари лозим.

Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган савдо ишида ҳам қатор камчиликлар юз бермоқда. Савдо тармоқлари бошлиқларининг аҳоли талабини ўрганиб бормасликлари натижасида, магазинларда рўзғор учун кундалик зарур бўлган майда буюмларни ҳар вақт ҳам топа олмайсиз. Район матлубот жамиятининг раҳбарлари ўз зиммаларидаги юксак мажбуриятни тўғри ҳис этган ҳолда ишламаётирлар ва савдо ходимларидан шунга яраша ишлашни талаб қилмаётирлар. Савдо ташкилотлари раҳбарлари юқоридаги камчиликларни хаспўшлаш учун сабаблар излаш ўрнига ҳар бир савдо точкасини зарур бўлган уй-рўзғор ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб қўйиш ҳақида ўйлашлари керак.

— Район матлубот жамияти, — деди музокарада сўзга чиққан Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Э. Икромов**, — кўп вақтдан буён ойлик ва квартал топшириқларини бажаролмай келяпти. Бу, нимани англатади? Улар аҳоли талабини ҳисобга олмаган ҳолда ишлашади, натижада магазинга кирган харидор ўзи учун зарур бўлган буюмни харид қилолмай, чиқиб кетади. Тўғри, районимизда кўпгина савдо объектлари қад кўтарди. Район марказида катта универсал магазин, Карл Маркс номли колхозда «Салом» кафеси, Паркентда эса пойафзал магазини ишга туширилди. Лекин, харидор учун магазин эмас, ундаги товарлар керак. Савдо ходимлари ана шуни тўғри ҳисобга олишлари, харидор талаби даражасида ишлашлари лозим.

— Ўтган йили шаҳримизда йилига 250 минг сўм даромад берадиган уч қаватли маиший хизмат кўрсатиш комбинати қуриб ишга туширилди. Бу йил яна икки қаватли комбинатни қуриб, аҳоли ихтиёрига топшириш ниятимиз бор, — дейди Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **З. Эрназаров**. — Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат турлари ҳам анча кўпайди. 1963 йилда аҳоли жон бошига бор-йўғи 6 сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, ўтган йилга келиб бу рақам 15 сўм 27 тийинга кўпайди. Икки кунлик дам олишни мазмунли ўтказиш мақсадида корхоналаримиз ўз ҳисобларидан дам олиш уйлари ташкил этишяпти.

Оҳангарон шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Н. В. Суслов** ўз сўзида икки кунлик дам олиш системасига ўтилгандан кейин шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ва савдо тармоқларининг аҳоли талаблари даражасида ишламаётганликлари, маиший хизмат тармоқларининг техника базаси ёмон аҳволда эканлигини ачиниш билан гапирди. Жойларда қабул пунктларини кўпайтириш лозимлигини айтди.

Шунингдек, музокарада сўзга чиққан область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ш. Мирсаидов** ҳам маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ихтисослаштириш ва механизациялаш, айниқса, қабул пунктларини кенгайтириш зарурлигини уқтирди. Мазкур бошқарма ҳузурида маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини зарур механизация ва ускуналар билан таъминловчи техника базаси ташкил этиш лозимлигини айтди.

Музокарада қатнашган Эски Тошкент қишлоқ Советининг раиси **М. Юсупов**, область транспорт ва пассажирлар ташиш трестининг бошлиғи **М. Ғафуров**, Оққўрғон район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори **А. Багасян**, Оржоникидзе район матлубот жамиятининг раиси **Ҳ. Раҳматуллаева** ҳамда Олмалиқ шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **А. Қоражонов** ўртоқлар шаҳар ва район меҳнаткашларига кўрсатилаётган маиший, савдо, транспорт хизматида эришилган ютуқлари қайд қилиш билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида гапиришди.

Сессия қатнашчилари икки дам олиш кунида аҳолига янада намунали ва сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган қарор қабул қилишди.

Чорвоқ ГЭСи қурилиши жадал олиб бориляпти. Бу ерда эришилаётган муваффақиятлар ҳаммани хушнуд қилаяпти. Суратда: карьерлардан бирида.
Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

МУНОСИБ ЮТУҚ

Карбамид цехи коллективи Кимёгарлар байрамига муносиб туҳфа билан келмоқда. Биринчи квартал топшириғини ошириб адо этган цех азаматлари иккинчи квартални ҳам муваффақиятли давом эттиришяпти. Фақатгина май ойида планга қўшимча юзлаб тонна маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, тежамкорликда ҳам улар эришаётган ютуқлар чакки эмас. Ҳозиргача 39 тонна аммиак, 43 минг киловатт-соат электр қуввати, 1600 мега-калорий буғ тежашди.

Ўртоқ Улуғбек Ҳамидов бошчилиқ қилаётган смена аъзолари бу ютуқларни қўлга киритишга салмоқли ҳисса қўшишди. Улар май ойи топшириғини кимёгарлар қунигача бажаришади. Шу ой ичида 36 тонна аммиак, 150 мегакалорий буғ, 43 минг киловатт-соат электр қувватини иқтисод қилишга эришишди.

Пешқадам коллектив Чирчиқ электрохимия комбинатида илғорликни қўлдан бермай келмоқда.

А. ВЕЛИВУЛАЕВ.



3-уйсозлик комбинати янги ташкил этилган. Комбинатда барча ишлар механизациялаштирилгани учун панел тайёрлаш тобора кўпаймоқда. Суратда: пойтахти мизнинг ёш комбинати қурувчилари иш пайтида.
М. Нуриддинов фотоси.

ИЖОДКОР

У жуда хушчақчақ, бир гапириб ўн куладиган, ўрта бўйли, қоматдор йигит эди. Бундай қувноқ табиатли киши билан тўсатдан хизмат юзасидан гап бошлаш ўнғайсиздек туюлди менга.

— Анча бўлдими ишлаганингизга? — сўрадим кулиб турган кўзларига қараб.

— Йўқ, энди... учинчи йили кетяпти, — овози ёқимли эди. У ҳарбий хизматни тугатиб, Тошкент политехника институтининг механика факультетида ўқиди. Заводга ишга олинди.

Шу пайт хонага миқти гавдали, юзида соғломлик барқ уриб турган қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Унинг кўзларида қандайдир бир ўт чақнар, ўзи эса тутақар эди:

— Бронзани тежаш ҳақидаги таклифимни яна йиғилишга қўйишибди. Ахир, янги усулда цех бир йилдан бери яхши ишлаб келяпти-ку? Хайрон қоласан бунга, тавба.

— Мажлисда шу ҳақда гап бўлдими? — оҳиста сўради суҳбатдошим.

— Қарасам, ҳозир ҳал қилиб бўлмайдиган. Сизларга ўша цехдан таклифнинг қанақа самара берадиган ҳақида справка келтиришим керак экан, дедим-у, чиқиб келавердим. Пўлат, сен нима дейсан?

Суҳбатдошим унинг одатини билгандек қўли билан қизишманг, дегандай ишора қилди:

— Қачон таклиф силлиққина ўтган? — деди у, — доимо тортишув, мунозара. Негадир аввал янги нарсага шубҳа билан қарашади, кўпинча шундай бўлади... Эсингиздами, плитадаги моделларнинг жойини тежаш тўғрисидаги таклифим? Қанақа баҳсларга сабаб бўлди? Бу-лардан бери 14 та таклифни ўтказгунимча озмунча тер тўкдимми? Бора-бора баҳслашувга ҳам кўникиб кетаркан, одам.

— 14 та ихтиро дедингизми? — гап орасида сўрадим.

— Ҳа, — деди Пўлат, менга ўгирилиб.

— Йилига 3 минг 77 сўм фойда келтиради бу таклифлар, — деди ҳалиги киши. — Шунинг учун Пўлат шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га тушди-да.

У эса йғманибгина қўлларини тиззасига қўйди. Бу киши Пўлатнинг устози, завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг бошлиғи. Маркс Пономарёв эди. Пўлат дастлаб иш бошлаган кунданоқ унга ёқиб қолган экан. Изланувчан йигитлигини пайқаган эди, чамаси...

— Рационализатор бўлмаган ишчини илгор деёлмайман, — деди Пономарёв шогирди ҳақида гап бораётганини сезиб, фахр билан, — Пўлат эса айни кўнглимдаги инженер-қуювчи. Цехда унинг тутган ўрни колхоздаги агроном мавқеини эслатади. Ҳали кўрарсиз, унга мурожаат қилувчилар кўплигини...

Мен қандай қилиб пешқадам ихтирочилар сафидан ўрин олганини Пўлатнинг ўзидан сўрадим. Кишининг ўзи ҳақида гапириб беришни ўйғайсиз, албатта. У эндигина гап бошлаган эдики, цехдан йўқлаб келишди.

Бу ердаги ишчиларнинг ҳаракатида алоҳида иштиёқ ва кўтаринки руҳ сезиларди. Бунинг боиси бор экан. Илгари «Э-352» маркали экскаватор тайёрланар, буни бошқариш анча қийин бўларкан. Шу йил апрель ойидан эса янги «Э-304 В» маркали экскаватор деталлари қуйила бошлабди. Пўлат Алимов ишлаётган аниқ қуюв цехида ҳозир янги экскаваторнинг 10 та деталлари тайёрланмоқда эди. Янги хил машина ричагли эмас, гидравлик усулда, анча енгил бошқарилади. 1 июлдан ана шу экскаваторларни жойларга юбориш мўлжалланяпти.

Пўлат цехга кириб келганда слесарь Петр Сушчев: «Модель плиталари кўтаргичларини узайтирсак бўларкан», — деб ўз фикрини исботлай бошлади. Бу фикр уни шунчалик банд қилган эдики, ҳаммамиз бахтиёр унга қизиқиб қолдик. Пўлатни ҳам шунинг учун чақириб келган экан.

— 10 миллиметр эмас, 50 миллиметр узайтса бўлади, — деди Пўлат Сушчевнинг мақсадига тушуниб ва бунинг имкониятларини айтди. Сушчев бу фикрдан жуда қувониб кетди.

— Бир ихтиро иккинчисининг туғилишига сабаб бўлиши мумкин, — деди Пўлат табассум билан бизга.

— Майер, — деб мурожаат қилди дастҳоҳига энгашган слесарга у, — плиталарга кўпроқ модель ўрнатишни маслаҳатлашганимизда, сизда қандай яхши фикр туғилгани эсингиздами?

— Қимматли ихтиролар баъзан тасодифан дунёга келади, — деб ҳазиллашди у. — Ахир, Ньютон ернинг тортиш қонунини дарахтдан узилиб тушган бир дона олма тимсолида кашф этгани кимни таажжубга солмайди?!

Дарвоқе, Пўлат СКФ-2 кам қувват қолиплаш машинасини СКФ-3 машинасига алмаштириб, плитадаги моделлар миқдорини кўпайтиришга эришганди ўшанда. Бу корхонага 3077 сўм фойда келтирди. Меҳнат унумдорлиги эса 2,5 ҳисса ошди.

Майер эса ўшанда бир деталга иккита эмас, битта плита сарфлаш фикрини билдирган эди. Натижада қолиплаш машинасида бир ўрин тежалиб, 500 сўм иқтисодий фойда келтирди. Бу таклиф Пўлат ихтиросининг ғўё узвий давоми бўлган эди...

Пўлатни дастлаб учратганимдаёқ ҳаёлимга келган савол — «У қандай қилиб машъал рационализатор бўлиб етишди» деган фикрга жавоб топгандай бўлдим. Бундай кишилар учун ижодий изланиш алоҳида ташвиш, диққат талаб қиладиган иш эмас, балки кундалик ички бир эҳтиёжга айланган бўлади. Изланиш уларга бир олам роҳат бахш этади.

Биз ҳикоя қилган рационализатор ҳали ёш. Унинг ҳаёлида ҳали қанчадан-қанча янгиликлар туғилмайди, дейсиз! Экскаватор заводи коллективининг фахри бўлиб қолган ақлли инженер Пўлат Алимовлар ҳақида халқимиз, шогирдлигида устозининг ишини уддалаган, дейди.

Ҳ. ИКРОМОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СССРНИНГ ЁРДАМИДА

ХАРТУМ. Мамлакатнинг асосий дон райони маркази бўлган Гедареф шаҳрида Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган тегирмон комбинатини қабул қилиб олиш тўғрисидаги актни Судан томони имзолади. Энг замонавий техника билан жиҳозланган бу тегирмон комбинати 100 минг тонна донни қабул қилиш ва сақлашга мўлжалланган.

(ТАСС).

ЖАНГ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Африка Республикаси озодлик ҳаракати тарқатган яширин варақада шундай дейилади: «Жанубий Африка Республикасида Миллий озодлик кураши активлашиб кетди, қора танли аҳоли ҳеч қачон иккинчи даражали гражданлар бўлишга, Жанубий Африка маъмурлари жорий этган апартеид сиёсати вазиятда ҳаҳоратланишга ва хўрланишга ҳеч қачон йўл қўймайди». Кейинги кунларда Жанубий Африка Республикасида ана шундай варақалар жуда кўп тарқатилди ва ирқчилар полицияси ана шу варақа чиқарилаётган жойни аниқлашга уриниб, ҳолдан тойди. Варақаларнинг катта қисмига Африка миллий конгресси ва Жанубий Африка Республикаси ватанпарварларининг бошқа бир қанча прогрессив ташкилотлари имзо чеккан. Варақа авторлари қўйидаги чақириқ билан чиққанлар: «бизлар Жанубий Африка Республикасидаги барча мазлумларни озодлик сари олиб борувчи йўлдан қайтмаймиз. Озод Жанубий Африка учун курашга ҳозирланинг!». (ТАСС).

УЛАН-БАТОРДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

УЛАН-БАТОР. Бу ерда совет энергетика ва электротехника асбоб-ускуналари виставкаси тантанали вазиятда очилди.

Совет Иттифоқи Монголия Халқ Республикасига кўчма электр станциялар, буғ қозонлари, дизель-генераторлар, темир йўл состави ва бошқа ускуналар етказиб бермоқда. Саноатда, транспортда ва халқ хўжалигида улардан кенг фойдаланилмоқда.

(ТАСС).

ИСРОИЛ ҚЎШИНЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ИГВОГАРЛИГИ

ОММАН, 22 май. (ТАСС). Иордания армиясининг вакили бугун қуйидагиларни хабар қилди: Исроил қўшинлари 21 майдан 22 майга ўтар кечаси Аллонбидан уч миля шимолда жойлашган Миндаса районида Иордания позицияларини пулеметлардан ўққа тутди.

Иордания қисмлари жавоб тариқасида ўт очдилар. Икки ўртадаги отишма 30 минут давом этди. Иордания томони талафот кўрмади.

ВДР ВА АҚШ ВАКИЛЛАРИНИНГ ПАРИЖДАГИ РАСМИЙ СУҲБАТИ

ПАРИЖ, 22 май. (ТАСС). Бугун Парижнинг Клебер авенюсидаги халқаро конференциялар уйида Вьетнам Демократик Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари вакилларининг тўртинчи расмий суҳбати бўлиб ўтди. Бундан аввал бўлиб ўтган уч расмий суҳбатдаги сингари ВДР делегациясига Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг секретари, ВДР ҳукуматининг министри Суан Тхюи ва АҚШ делегациясига АҚШ президенти Жонсоннинг махсус топшириқлар бўйича элчиси Аверелл Гарриман бошчилик қилдилар.

Суҳбат уч соат давом қилди ва суҳбат тамомланганидан сўнг навбатдаги расмий суҳбат 27 май душанба куни бўлиши эълон қилинди.

Бугунги суҳбатдан сўнг иккала делегация тарқатган баёнотлар текстларидан маълум бўлишича, Америка Қўшма Штатлари вакиллари Париждаги учрашув қатнашчиларининг кун тартибида ВДРни бомбардимон қилиш ва унга қарши бошқа уруш ҳаракатларини тўхтатиш масаласи турганлигига қарамай, ВДРни бомбардимон қилишни ва унга қарши бошқа уруш ҳаракатларини тўхтатмасдан турибоқ, ҳозирнинг ўзида Вьетнамдаги уруш билан алоқадор турли сиёсий проблемаларни моҳият жиҳатдан муҳокама қилишга киришавершга ВДР делегациясини розн қилишга бу сафар ҳам уриниб кўрдилар.

«18 майда бўлиб ўтган сўнгги мажлис вақтида, — деди Суан Тхюи Америка делегациясига мурожаат қилиб, — сиз Вьетнам томонининг одилона далилларига президент Жонсоннинг 31 мартдаги нутқи мазмунини зўр бериб такрорлаш билангина жавоб қайтардингиз, лекин гапнинг пўст калласини айтсак, вьетнам халқи, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва жаҳон жамоатчилигининг АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча уруш ҳаракатларини сўзсиз тўхтатсин, деб қўйган талабига жавобан президент 31 мартдаги нуткида «ҳаракат иккала тарафдан бўлсин» ва иккала тараф деэскалация қилсин» деган талаб қўйилди.

«Мен яна бир бор таъкидлаб ўтмоғим лозимки, — деди ВДР делегациясининг раҳбари, — Вьетнамга қарши агрессияни Қўшма Штатлар бошлаган экан, бу агрессияни Қўшма Штатларнинг ўзи тўхтатмоғи лозим. Қўшма Штатлар ҳукумати мустақил ва суверен давлат бўлмиш Вьетнам Демократик Республикасига осмондан ва денгиздан ҳужум қилдилар. Бинобарин, Қўшма Штатлар, мана шу агрессия ҳаракатларини ўртага бирон шарт қўймай тўхтатмоғи керак».

«Президент Жонсон 31 мартдаги нутқида, — деб давом қилди ВДР ҳукуматининг вакили, — у Америка солдатлари шунингдек ўз малайлари, қўшинлари ва қўғирчоқ қўшинлар солдатларининг тақдири тўғрисида қайғураётганлигини гапирди. Ҳақиқатда эса уларни ўлимга юбораётган киши айни шу президент Жонсоннинг ўзидир».

Суан Тхюи яна бундай деди: «Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш ва унга қарши барча уруш ҳаракатларини сўзсиз тўхтатиш талаби тобора кенг тарқалиб, жамоатчилик фикрига, матбуотга, халқларнинг кенг табақаларига, кўпдан-кўп сиёсий ва оммавий ташкилотларга кун сайин тобора чуқурроқ кириб бораётган шиорга айланиб қолди. Социалистик мамлакатларда Қўшма Штатлар шаънига ҳар куни шундай шиор айтилмоқда. Планетамизнинг қолган қисмида қарийб ҳамма ерда мана шу шиор остида кенг халқ ҳаракати қулоч ёйиб бормоқда».

ВДР делегациясининг бошлиғи вьетнам халқи чет эл босқинчиларига қарши шонли кураш традицияларига эгадир, деб эслатиб ўтди. «Чет эл агрессиясига қарши қонуний мудофаа ҳуқуқи, — деб таъкидлади у, — вьетнам халқининг муқаддас ва ажралмас ҳуқуқидир. Вьетнам халқи ўзининг узоқ ва шонли тарихи мобайнида ватани хавф-хатар остида қолганда ҳар сафар шу ҳуқуқдан қатъий фойдаланиб келди».

«Башарти Америка ҳукумати ҳақиқатан ҳам тинчликни истар экан, — деб таъкидлади Суан Тхюи, — вьетнам халқи ҳам тинчлик ўрнатишга тайёр. Башарти, Қўшма Штатлар ҳукумати урушни давом эттираверар экан, халқимиз Американинг агрессив урушни мағлубиятга учратишга қаттиқ бел боғлаган».

Шу муносабат билан ВДР ҳукуматининг вакили қардош социалистик мамлакатларнинг вьетнам халқини қанчалик тўла ва кенг кўламда қўллаб-қувватлаётганлиги ва ёрдам кўрсатаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтди.

Суан Тхюи, жумладан, Американинг Вьетнамдаги агрессияси кенгайтирилаётганлиги натижасида тинчлик учун туғилган хавф тўғрисида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1968 йил 7 мартда Софияда бўлган кенгашида қабул қилинган декларациядан цитата келтирди. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар шу декларацияда ВДР ҳукумати билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг тутган позицияларини қаттиқ қўллаб-қувватлаётганликларини уқтирганлар ва АҚШ Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши бошқа ҳамма уруш ҳаракатларини дарҳол, батамом ва ҳеч қандай шартсиз тўхтатсин, Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларини ҳамда ўз иттифоқчилари ва малайларининг қўшинларини чақириб олсин, вьетнам халқининг ўз ишларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилсин, деб талаб қилганлар.

ВДР вакили совет раҳбарларининг айтган гапларини ҳам эслатиб ўтди ва бошқа ҳамма социалистик мамлакатлар ҳам шундай позицияда турганликларини ҳам таъкидлади.

Суан Тхюи пировардида бундай деди: «биз жамоатчилик фикрини чалғитишга ва қўйган қонуний талабларимизга жавоб беришдан бўйин товлашга уринаётган Америка томонининг сохта далилларини тамомила рад этамиз. Бу суҳбатлар бошланганига бир ҳафтадан ошганлигига қарамай, Америка томонининг қайсарлиги ва тутган позициясининг тутуриксизлиги сабабли бу суҳбатлар олга жилолмаётир. Башарти, бу расмий суҳбатлар натижасиз чиқадиган бўлса, бунинг учун бутун масъулият бутунлай ва тамомила Америка томони зиммасига тушмоғи лозим».

ЭКСТРЕМИСТЛАРНИНГ МУНОФИҚЛИГИ

ЛОНДОН. Рейтер агентлиги мухбирининг Қуддусдан хабар беришига кўра, Исроил ташқи ишлар министри Абба Эбан шундай деди: «Исроил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгашининг Исроил ҳукумати Қуддуснинг халқаро статусини бузишга қаратилган ҳаракатлардан тийилишга чақирувчи резолюциясига бўйсинмайди».

21 майда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Исроилнинг Қуддусни аннексия қилишга тиймай турибаётганлигини қораловчи резолюция қабул қилган эди.

Исроил матбуоти ҳам Исроил Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини бажармайди, деб узил-кесил ёзмоқда. «Биз Қуддусдан ҳеч қачон кетмаймиз, шунинг учун ҳам резолюция ҳеч қандай қимматга эга эмас», деб ёзади «Еднот ахронот» газетаси. (ТАСС).

ЛОНДОН. Шу йилнинг апрель ойи охирида Англияда янги чақа пуллар муомалага чиқарилди. 1971 йилнинг февраль ойигача 9 миллиард миқдорида ана шундай чақа пуллар ишлаб чиқарилади. Суратда: беш пеннилик чақаларни чақа босиш саройида текшириб кўриш пайти.
АП—ТАСС фотоси.

ТОШКЕНТ жамоли кундан-кунга чирой очмоқда. Суратда: пойтахтимизнинг Жуковский кўчасидаги янги турар-жой бинолари.

А. Абалян фотоси.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Тожикистон билан Ўзбекистон Ўрта Осиё республикаларидан бўлиб, уларнинг ери ерига, қалби қалбига туташган. Тожиклар билан ўзбеклар бир ариқдан сув ичади.

Тожикистон — тоғлик мамлакат. Олой ва унинг тармоқлари Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари шимол томонларида жойлашган бўлса, ғарб ва жанубий шарқ томонларида Иттифоқимиздаги энг улкан тоғ Помир жойлашган. СССР даги энг баланд нуқта 7495 метр баландликдаги Коммунизм чўққиси ана шу ерда — Помирда қад кўтарган. Тоғларнинг ораларида Вахш, Ҳисор ва Зарафшон водийлари жойлашган.

Ўзбекистон билан Тожикистоннинг ери, маданияти, урф-одати, дили бир-бирига шундай туташиб кетганки, гўё буни табиат ҳам олқишлагандай, хўжалик имкониятлари бир-бирига туташгандай чуночи тожик элининг пойтахти — Душанбанинг табиати, иқлими Тошкентникидан деярлик фарқ қилмайди. Зарафшон дарёси Тожикистондан бошланиб, у ерда тўплаган заррини қўҳна Самарқанд ва Бухоро атрофига келтириб сочади. Ҳа Зарафшон — бу заар сочувчи дарё деганн. Қадимий юнонлар Оксус, араблар Жайҳун деб юритган Амударё Вахш биллан Панж дарёларининг қўшилишидан вужудга келади. Яъни Амударё ўз сувини Тожикистоннинг азамат тоғларидаги улкан музликлардан олади.

СССР даги энг катта музлик Федченко музлиги ҳам шу Тожикистон тоғларидадир.

Бу музликлардан озиқланиб улғайган Амударё Орол денгизи томон интилади ва йўл-йўлакай ўзи оқиб ўтган жойларга ҳаёт бағишлаб боради.

Ўрта Осиёга ҳатто бутун дунёга машҳур бўлган Муҳаммад Хоразмий ва Абурайҳон Беруниийдек олимларни етиштирган Хоразмга ҳаёт суви берган Амударё тожик элидан сув олган. Амударё илтари Хоразм атрофини маданий воҳага айлантирган бўлса ҳозир асрлар мобайнида қақраб ётган қорақум чўлини кесиб ўтиб, туркман элини мунаввар қилаяпти, янги ерларни чўл бағридан тортиб олиб, воҳага айлантираяпти. Тожикистонда оқаётган дарёлар йнгитдек шўх, сергайрат ва тинимсиз.

Улар Ўзбекистон территориясига ўтгач бир оз эсини танигандай, ёки тожик элининг ўзбек элига эҳтироми — туҳфасидек анча мулойим тортиб қоладн. Тожик элида катта турбиналарни ҳаракатга келтириб кўп миқдордаги электр энергия ишлаб чиқаришга қодир бўлган дарё сувлари ўзбек элига ўтгач, унинг измига бўйин эгиб, далалар томон йўл олади, пахта, шоли ва хилма-хил меваларга ҳаёт беради.

Умуман, Тожикистон дарёлари битмас-туганмас энергия ресурсларига эга. Тожикистон гидроэнергия запаси жиҳатидан Иттифоқда фақат РСФСР дан кейин иккинчи ўринда туради (25 миллион киловаттдан ортиқ). Ҳозир мана шу гидроэнергия запасларидан фойдаланишга киришилди. Ҳозирги йирик гидроиншоотлардан бири Вахшдаги Норакдир. Тўғон тор Пулисангин (яъни Тошкўприк) дарасида 1961 йилдан буён қурилмоқда. Тўғон 300 метр баландликда бўлади. Бу дунёда энг баланд тўғон ҳисобланади. У яқин вақтгача дунёда энг баланд тўғон деб ҳисобланувчи — АҚШ даги Колумбия дарёсига 1941 йилда қурилган 169 метр баландликдаги Гранд-Кули гидроэлектростанциясидан 131 метр баландроқ бўлади. Бу электростанцияда ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга бўлган 9 та гидротрубина ишлаб туради. Станция умуман 2,7 миллион киловатт қувватга эга бўлиб, йилига 12 миллард киловатт соат электр энергия ишлаб чиқаради.

Норак ГЭСи ишлаб чиқарган энергияси Тожикистон халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланибгина қолмай, Ўзбекистонга ҳам хизмат қилади. Норак энергияси жуда арзон бўлиб, у келажакда Амударё сувини кучли насослар воситасида Қарши чўлига чиқаради, қақраб ётган чўлда юз минг тонналаб пахта етиштириш имкониятини беради.

Тожикистондаги Ленинобод шаҳридан 20 километр нарироқда Сирдарёда қурилган Қайроқкум ГЭСи ўзбек халқи билан тожик халқларининг биродарлик рамзи бўлиб хизмат қилади. Мазкур ГЭС 1957 йилда тўла куч билан ишга тушди. Унда жами 126 минг киловатт қувватга эга бўлган 6 та агрегат ишлаб турибди. Қайроқкум ГЭСи ўзбек билан тожик меҳнатининг самараси бўлиб, бу икки элга электр энергияси бермоқда ва 300 минг гектар жойни сув билан таъминламоқда.

Тожикистон дарёлари битмас туганмас энергия запасларига эга деган фикримизнинг далили учун Панж дарёсида қурилаётган гидроиншоотлар ҳақида ҳам сўз юритиш жоиздир. Ҳиндиқуш ва Помир тоғларидан сув оладиган Панж дарёси Амударё сувининг 2-3 қисмини беради.

Даштижума қишлоғи ёнида Панж дарёсига жаҳонда энг баланд ва энг қувватли ГЭСлардан бири қурилади. Даштижума ГЭСининг қуввати 5 миллион киловатт, тўғонининг баландлиги 350 метр бўлади, деб мўлжалланмоқда. Панж дарёси бўйида вужудга келтириладиган сунъий денгизларнинг жами 55 миллиард кубометрдан иборат бўлади. Табиатнинг ўзи Панжда қуриладиган сув омборлари учун тоғлар орасида қулай чуқур Товоқсой лар тайёрлаб қўйган. Шу сабабли бу ерлардаги сув омборларининг ҳажми унча катта бўлмайди ва улардан сув кам бугланади.

Панж дарёсини қўшиқларда улуғланган Волга ва Ангара дарёлари билан таққослаш одамларга ғалати туюлар эди. Ҳисоблаб кўрилишича Панж дарёсининг энергетика потенциали машҳур Волганинг потенциалидан ҳам устун туражаги аниқланди.

Панж дарёсига жами қуввати 16 миллион киловаттдан иборат бўлган ГЭСлар каскади қуриш мумкин. Бу станциялар йилига 80 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қила олади. Демак. Вахш инсонга бўйин эгади. Волга билан Ангара дарёси қаторн Панж дарёси тўғрисида ҳам ажойиб қўшиқлар яратилажак.

О. МУМИНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.

КОЛХОЗ ОШПАЗИ

НИШОН ЗОКИРОВНИ Калинин районидаги Калинин номли колхозининг каттадан-кичиги танийди. У бир неча йилдан бери колхоз ошхонасида бош ошпаз бўлиб ишлайди. Нишон Зокиров тўйларда, ҳовли тўйларида, катта знёфатларда хилма-хил мазали овқатлар тайёрлаганн учун ҳам унн ҳамма ҳурмат қилади.

Бир донишманд: Мазали овқат инсонга дорндан ҳам яхшироқ дармон беради, деган экан. Нишон ош дамлаётганда, лагмон чўзаётганда, манти тугаётганда, кабоб сихлаётганда, ток баргидан дўлма ўраётганда ўша овқатнинг мазали бўлишига эришади.

Колхоз устахонасининг яқинига жойлашган ошхона ҳамма вақт гавжум. Хўрандалар Нишон Зокиров тайёрлаган овқатдан еб, ошхона ёнидаги ҳовуз бўйнга қурилган чойхонада ҳордиқ чиқариб, мамнун бўлиб кетадилар. Суратда: (чапда) Нишон Зокиров хўрандаларга овқат узатмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ПИОНЕР ЁЗИ СОЗ ЎТАДИ

Ҳадемай олтин ёз бошланади. Тоғ этаклари ва сўлим боғлар бағрида жойлашган пионер лагерларида ҳаёт қайнайди. Пионер ороргоҳларида горн ва барабан овозлари янграйди.

Ўқувчилар учун сўлим ёз — меҳнат ва спорт, қўшиқ ва куй, экскурсия ва походлар мавсуми ҳисобланади. Ўқишни муваффақиятли тугатган ўғил-қизлар ёз гаштини суришади. Уларнинг кўпчилиги пионер лагерларида дам олишади. Айримлари колхоз ва совхозларга чиқиб, ота-оналарига ёрдамлашадилар. Баъзилар отрядларга уюшиб, экскурсия ва походларга чиқадилар. Ёзи билан дам олиб, янги куч, янги гайрат тўплайдилар.

Ўтган йили пионер ёзи жуда мароқли ўтган эди. Турли соғломлаштириш тадбирларига 207894 ўғил-қиз жалб этилди. Шаҳар яқинида жойлашган пионер лагерларида 18114, шаҳар лагерларида эса 13598 ўқувчи ёз гаштини сурди. Колхоз ва совхозларда очилган пионер лагерларида ҳам кўпгина ўқувчи мириқиб дам олди. Ўлкамиз бўйлаб уюштирилган экскурсия ва походларга 60 минг-га яқин ўқувчи қатнашди.

Ўтган йили болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш соҳасида бирмунча бой тажриба тўпланди. Болалар билан ишлашнинг ўзига хос қулай формаларидан фойдаланилди. Ана шу тажрибаларни мустаҳкамлаш мақсадида бу йил областимизда қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ёзги соғломлаштириш муассасалари ишини ташкил этиш юзасидан алоҳида кўрсатма берган эди. Бу йил республикамиз бўйича 322 минг ўғил-қиз ана шундай муассасаларда ҳордиқ чиқаради. Бу ўтган йилдагига қараганда 125 минг кўп киши демакдир.

Область ижроия комитети ўзининг кейинги мажлисида пионер ёзини ўтказиш масаласи муҳокама қилди. Шунингдек бу масала область халқ маорифи бўлимининг кенгайтирилган советида ҳам кўриб чиқилди. Мактаблар, ота-оналар комитетлари, колхоз ва совхозлар, корхона ва муассасаларнинг пионер ёзини уюштириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари маъқулланди.

Шундай қилиб, областимиздаги соғломлаштириш муассасаларига деярли ҳамма ўқувчилар ва мактаб ёшигача бўлган болалар жалб этилади. Ҳар сменасида 15 минг ўғил-қиз дам оладиган 75 та шаҳар пионер лагери очилади. Мактабларда эса 400 дан ортиқ соғломлаштириш майдончалари иш бошлайди. Уларда ҳар бир сменада 10 минга яқин бола дам олади.

Бу йил колхозларарО пионер лагерларига ҳам катта эътибор берилади. Ёз мавсумида жойларда бундай лагерлардан 70 таси ишлайди. Бунда, айниқса Оржоникидзе район халқ маорифи бўлими томонидан кўрилган тадбирлар диққатга сазовордир. Райондаги 4 та колхозда пионер лагери ишлаб туради. Уларда камида 840 ўғил-қиз ёзги каникулни ўтказади.

Умуман, колхоз лагерларида ёз давомида 3 мингдан ортиқ ўқувчи ҳордиқ чиқаради. Болалар уйлари, мактаб-интернатлар ва мактабгача болалар муассасалари ҳам ёз бўйи ўғил-қизлар билан гавжум бўлади. Бу муассасаларда 29100 ўқувчи ёзги каникулни ўтказади.

Меҳнат ва дам олиш лагерлари иши ҳам намунали йўлга қўйилади. Бу лагерларда болалар ҳам ишлаб, ҳам дам оладилар. Ҳозирнинг ўзида кўпгина ўқувчилар меҳнат ва дам олиш лагерларига бориш истагини билдирдилар. Мавсум давомида уларда камида 4 минг ўғил-қиз дам олиши кўзда тутилган.

Пионер ёзини уюштириш юзасидан яна қатор тадбирлар белгиланди. Булар ўғил-қизларимизнинг ёзги каникулларини тағин ҳам мазмунли ва хушчақчақ ўтказишларини таъминлаш имконини беради.

С. СОБИТОВ,
Область халқ маорифи бўлимининг инспектори.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕЖАЛАРИ

Бутун совет халқи, жаҳондаги барча прогрессив инсоният башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини тантанали нишонлашга тараддуд кўрмоқда. Бу улуғ санани республика маданият ходимлари ҳам муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ана шу масалани муҳокама қилди.

Пленумда республика маданият министрининг ўринбосари **А. Муҳамедов**, матбуот давлат комитети раисининг ўринбосари **Н. Санкин**, радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети раисининг ўринбосари **У. Бурхонов**, **У. Кенжаев** маданият ва санъат муассасаларида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар билан таништирди.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

✦ ✦ ✦

Ўзбекистон кинематография давлат комитетининг раиси **А. Қаюмов** ўртоқлар Ўзбекистон ижодий ташкилотлари ва маданият муассасаларида қилинажак ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Шунингдек, пленумда маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси ўртоқ **Н. Ҳамдамов** ва ўртоқлар Ўзбекистон ижодий ташкилотлари ва маданият муассасаларида қилинажак ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Пленум касаба союз ташкилотларининг доҳий юбилейи муносабати билан мўлжаллаган ишлари, режаларини маъқуллади. Пленум қатнашчилари шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Бу қарорда юбилей спектаклари, концерт программалари, радио ва телевизион эшиттиришлар, кинофильмлар, тасвирий санъат асарлари, китоблар, журнал ва бошқа босма нашрларнинг ғоявий ва бадиий мазмунини янада яхшилашга катта эътибор бериш зарурлиги уқтирилган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ГАЗЕТХОНЛАРИГА

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ИЮНЬ ОЙИДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛГАН КЎП ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ ОБУНА МУДДАТИ ТУГАЙДИ. ГАЗЕТАМИЗНИ ИЙЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ҲАМ МУНТАЗАМ ОЛИБ ТУРИШ УЧУН ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙИНГИЗДАГИ ЖАМОАТЧИ ОБУНАЧИЛАРГА, «СОЮЗПЕЧАТЬ»НИНГ ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИГА ВА АГЕНТЛИКЛАРИГА, ШУНИНГДЕК «ПОЧТАМТ» ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, ОБУНА БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Яқинда Тошкент ҳайвонот боғида чиройли ва сайроқи қушлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу кўргазмада қуш шайдолари 70—80 хил парранда лари билан қатнашдилар. Суратда: кўргазмада иштирок этган сайроқи қушлардан баъзилари.

М. Отабеков фотоси.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

«ПОЛИТОТДЕЛ»НИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

22 май куни «А» классининг иккинчи лигаси командалари навбатдаги тур мусобақаларини ўтказишди. «Политотдел» колхози футболчилари ўз майдонида Улан-Удеининг «Селенга» командасини қабул қилдилар. Колхоз футболчилари меҳмонларни 1:0 ҳисобида енгдилар. Кетма-кет қозонилган икки ғалаба «Политотдел»га турнир жадвалининг юқорисига кўтарилишга имкон берди. Шу куни Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ҳам ўз майдонида турнир пешқадами «Иртиш» футболчиларини 1:0 ҳисобида маглубиятга учратди. «Зарафшон» эса Красноярскнинг «Рассвет» командасини қабул қилди. Ҳисоб 2:2.

«Политотдел» футболчилари энди сафарга жўнайдилар. Улар Қараганда, Новосибирск, Омск шаҳарларига борадилар. Агар улар сафардаги ўйинларда муваффақият қозонсалар, пешқадамлар сафида мустаҳкамланиб қоладилар.

«СПАРТАК» БИРИНЧИ ЎРИНДА

Москва спартакчилари бу йил мамлакат чемпиони Киев динамочилари билан чинакам пойга қилмоқдалар. Бир кун «Динамо» олдинга чиқиб олса, эртасига «Спартак» ўзиб кетмоқда. Бугун яна шундай бўлди. Кеча биз Киев динамочиларини биринчи ўринда кўрган бўлсак, бугун «Спартак» пешқадамлик қилиб олди. «Спартак» «Зенит» командасини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида катта ғалабага эришди. Ҳозир Москва спартакчилари 9 ўйиндан 15 очко тўпладилар. Уларнинг тўплар нисбати киевликларникидан яхши.

ЛАРСЕНМИ Е ПОРТИШ?

Югославияда ўтаётган даъвогарларнинг чорак финал матчи голибини айтиш жуда қийин бўлиб қолди. Ҳозир саккиз ўйиндан сўнг Ларсен ҳам. Портиш ҳам тенг очко тўплашган. Рақибларнинг сўнгги ўйини дуранг бўлиб тугади. Қолган икки учрашувда ким бир ярим очко кўлга киритса у шахматча жаҳон чемпионлиги учун бўладиган курашни давом эттиради.

ҚУРУВЧИ СПОРТЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Тошкентни қайта қуришда фидокорона меҳнат қилаётган украиналик бинокорлар яқинда олимпиада мусобақаларини бошлаб юборишди.

Чўпонотадаги «Укрстрой» шаҳарчасида спорт байроқлари, беш ҳалқа расми туширилган олимпиада эмблемаси шамолда ҳилпирайди.

Электр пайвандчи, спорт мастери П. Филимонов вокзалдаги 14 комиссарлар ҳайкали олдида ги машъаладан олиб келган ўт билан Олимпиада машъаласини ёқди. «Укрстрой» бошлиғи П. Харченко, Украина КП Марказий Комитети парторги П. Белецкийлар спортчиларга муваффақият тилашди.

Енгил атлетикачилар мусобақаси кескин ва шиддатли ўтди. 400 га яқин спортчи финалга чиқиш учун беллашди. Фақат олти эркак ва олти аёл бу шарафга муяссар бўлди. Мусобақа донецклик кичик ракетка мастерлари фойдасига тугади. Шахмат турнири Луганск командаси, шашкачилар баҳси Киев қурилиш-монтаж 2-поезди спортчилари ютуғи билан тугади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Ёшлик» студияси. 18,40 — Телелигиликлар ва декада кундалиги, 19.00— Халқ контроли амалда. 19.20 — Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси. Тожикистон куйлари.

Ўзбек тилида: 20.00 — Телелигиликлар ва декада кундалиги, 20.20 — Ер ва эл, 21,00 — Социалистик интернационализмнинг назарий асослари, (суҳбат). 21.15 — Шоирнинг тақдири (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. Математика, 19.00 — Иншони қандай ёзиш керак? (олий ўқув юртларига кирувчилар учун), 19,30 — Инглиз тили (студентлар учун).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.

Ўзбек тилида: 20.00 — Сибирнинг улкан нефти (ҳужжатли фильм),

Рус тилида: 20.20 — Таллинда олинган уч интервью (телефильм), 20.50 — А. Бабажанян. Сенинг замондошинг (фильм-концерт), 21.55 — Курашда тобланганлар (телефильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Юран амри билан (эрталаб соат 11, кундуз 1,3 да). Андромеда туманлиги (кеч 6.15 минутда, 8, 9 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Сиртаки — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 7, 9, 10.40 минутда), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45 минутда, 1 яримда 3.15 минутда).

Чехча қотиллик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6,10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3, 5 да).

Еттинчи йўлдош — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун),

Кул остидаги чўғ — «ЧАЙКА» (кундуз соат 5, кеч 6.45, 8 ярим, 10 да).

Қизил мантия — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Замонамиз қаҳрамони — «РАКЕТА».

Қасос—НАВОИЙ номли.

ҲАММА ТАШКИЛОТ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси ТУГАТИЛАДИ

Шикоятлар ва даъволар бир ҳафталик муддатда қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Радиальний проезд, 12-уй.

«СОЮЗГЛАВРЕАКТИВ» КОНТОРАСИГА

ишчилар, товаршунос, телетайпчи-машинистка, шоферлар, автокранчилар, моддий бўлим бухгалтери

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Першин кўчаси, 1-Першин тупиги, 28-уй (1, 8, 9, 10-трамвайларнинг «Будённий» бекати). Телефон 5-17-81.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

металлконструкциясини йиғувчи слесарлар, электр пайвандчилар, токарлар, рандаловчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Заводская кўчаси, 47-уй, кадрлар бўлими (6 51-автобусларнинг «Карборунд заводи» бекати). Телефон 5-04-00.

Тошкент область ижроия комитетининг МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИ

Главташкентстрой ва Алмаликсвинецстрой трестига қурилиш ишлари касбига эга бўлган кишиларни ва ёрдамчи ишчиларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ишчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ёрдам пули берилади.

Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Янгийўл, Олмалиқ шаҳарлари ижроия комитетлари қошидаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича вакилларга, шунингдек Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 13-уйдаги область бўлимига мурожаат қилинсин.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

офсет печати печатчилари, вёрстначилар, стереотипёрлар, шоферлар, автослесарлар, печатчига шогирдлар, фаррошлар, вахтёрлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ЛОНИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

автомобилчи-механиклар, автогараж диспетчери, ҳамма разрядлаги алоқа монтёрлари, қалайловчи-кабелчилар, трактор-экскаваторчилар, шоферлар, токарлар, слесарлар, ёрдамчи ишчилар, коровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 1-квартал, 28-уй (9, 11-трамвайлар, 6, 23, 24, 26, 54, 59-автобусларнинг «Пионерская» бекати). Телефонлар Ж-7-36-81, Ж-7-35-76.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05931. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1868.